# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИНИНГ РОЛИ

**А. К. Рахимов**
Тошкент вилояти
ЧДПИ, п.ф.д., проф.
a.raximov@cpsi.uz

**Х. С. Нурметов**
Тошкент вилояти
ЧДПИ, катта ўқитувчи

**Д. Б. Саидова**
Тошкент вилояти
ЧДПИ, магистр

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида таълим сифати ва самарадорлигини оширишда “Педагогик таълим инновацион кластери” лойиҳаси доирасида олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларнинг таҳлили, анъанавий таълимга янгича ёндашувларни татбиқ қилишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги баён этилган.

**Калит сўзлар:** узлуксиз таълим жараёни, Педагогик таълим инновацион кластери, Мактаб-лаборатория инновацион тажриба майдончаси, Ташаббускор талабалар, инновацион педагогик технология, PISA.

# THE ROLE OF INNOVATIVE CLUSTER OF PEDAGOGICAL EDUCATION IN THE SYSTEM OF CONTINUOUS EDUCATION

**A. K. Rakhimov**
Professor, Doctor of Pedagogical Sciences, Chirchik State Pedagogical Institute
a.raximov@cpsi.uz

**K. S. Nurmetov**
Senior Teacher, Chirchik State Pedagogical Institute

**D. B. Saidova**
Master Student, Chirchik State Pedagogical Institute

## ABSTRACT

This article examines the research conducted in the framework of the project "Innovative Cluster of Pedagogical Education" in improving the quality and effectiveness of education in the system of continuing education and their analysis and it’s importance to apply new approaches to traditional education.

**Keywords:** continuous educational process, Innovative cluster of pedagogical education, School-laboratory innovative experimental platform, Initiative students, innovative pedagogical technology, PISA.

## КИРИШ

Бугунги кунда таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда фуқороларнинг билим олиш ҳуқуқларини таъминлашда бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир. Маълумки, мураккаб ўтиш йилларида мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўйи, нуфузи пасайиб кетгани, янги давр педагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Кейинги йилларда ана шу муаммоларни самарали ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан халқ таълими тизимига оид 6 та фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 20 та қарори қабул қилиниб, бу соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий - меъёрий асослари мустаҳкамланди [1].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хусусан Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармойишининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир IV йўналиш, 4.4-бандига кўра таълим ва фан соҳасини ривожлантириш кўзда тутилади. Унда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш белгилаб берилган [2].

Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Юқоридаги вазифалар ўз навбатида барча ўқув муассасаларида таълим берувчи педагоглар олдида катта маъсулият юклайди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида дастлабки қадамлар қўйилди. Институт ректорининг 2019 йил 1-

апрелдаги 01-255-сонли ва Тошкент вилояти Ҳалқ таълими бошқармасининг 2019 йил 2-апрелдаги 2-сонли қўшма буйруғида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Чирчиқ шаҳар ХТБ тасарруфидаги 11- умумий ўрта таълим мактабида 2019-2020 ўқув йили учун “Педагогик таълим инновацион кластери” институтнинг асосий стратегик тадқиқот йўналиши сифатида белгиланиши ва уни амалиётга жорий этиш мақсадида “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси фаолиятини ривожлантириш ҳамда мактаб ўқитувчиларига ўқув-методик кўмаклашиш, ўқувчиларни PISA Халқаро дастурига тайёрлаш мақсадида биология фанларини ўқитиш бўйича “Ташаббускор талабалар” лойиҳаси фаолияти амалга оширилмоқда.

## НАТИЖА

“Педагогик таълим инновацион кластери” лойиҳасининг мақсади: педагогик таълим билан бевосита ва билвосита шуғулланувчи муассасаларнинг мақсадли ҳамкорлигини ўрнатиш орқали умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия самарадорлигини оширишга кўмаклашиш; ҳудуднинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини сифатли қондириш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш; ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини қисқартириш, педагогик таълим соҳасидаги интеграция, инновация, узвийлик, узлуксизлик, изчиллик, самарали ворисийликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш; илмий асосланган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов жараёнларини ташкил қилиш, педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланиш имкониятини яратиш; педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш; таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш ҳамда вилоятдаги умумтаълим мактабларини PISA дастурига тайёрлашдан иборат [3 - 6].

## МУҲОКАМА

Бизнинг тажрибамизда аввало, мактабдаги мавжуд муаммолар сўровномалар асосида ўрганиб чиқилди. Сўровнома натижалари ва кафедра профессор ўқитувчиларининг мулоҳазалари асосида педагогик таълим инновацион кластери доирасида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Тадқиқот давомида тажриба-синов ишлари 7-синф ўқувчилари билан зоология фани бўйича билимларининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш

асосида даставвал тажриба ва назорат синфлари танлаб олинди ва математик ҳисоб-китоб ишлари статистиканинг Стьюдент мезонидан фойдаланиш орқали аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўқувчиларнинг 2019-2020 ўқув йили I чорагидаги эгаллаган билимларининг сифат кўрсаткичлари**

| Синфлар | Ўқувчилар сони | Сифат кўрсаткичлари | “Аъло”чи ўқувчилар сони | “Яхши” ўқийдиган | “Ўрта” ўқийдиган | “Қониқарсиз” ўқийдиган |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 – “А” | 31 | 58% | 2 | 16 | 5 | 8 |
| 7 – “Б” | 33 | 57% | 1 | 18 | 7 | 7 |
| 7 – “В” | 33 | 57% | - | 19 | 6 | 8 |
| 7 – “Г” | 34 | 56% | 2 | 17 | 5 | 10 |

Шунга кўра, 7 – “А” ва 7 – “Б” синф тажриба ва 7 – “В” ва 7 – “Г” синфлари назорат гуруҳи сифатида қабул қилинди. 7 – “А” ва 7 – “Б” синф ўқувчиларига зоология фанини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш асосида дарс машғулотлари олиб борилди. 7 – “В” ва 7 – “Г” синфларда эса анъанавий қабул қилинган тартибдаги дарс машғулотлари ўтказилди. Синфлар ўртасидаги ўқувчиларнинг билим кўрсаткичлари 59% ва 79% ни ташкил этди. Ўқувчилар билими чорак якуний натижаларига кўра қиёсланди (2-жадвал).


**2-жадвал**

**Ўқувчиларнинг 2019-2020 ўқув йили II чорагидаги сифат кўрсаткичлари**

| Синфлар | Ўқувчилар сони | Сифат кўрсаткичлари | “Аъло”чи ўқувчилар сони | “Яхши” ўқийдиган | “Ўрта” ўқийдиган | “Қониқарсиз” ўқийдиган |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 – “А” | 31 | 77% | 6 | 18 | 7 | - |
| 7 – “Б” | 33 | 79% | 5 | 21 | 5 | 2 |
| 7 – “В” | 33 | 62% | 1 | 18 | 10 | 4 |
| 7 – “Г” | 34 | 59% | - | 20 | 9 | 5 |

Ўқувчиларининг билимини ўрганиш юзасидан улар билан олиб борилган тест сўров – топшириқлари ва ёзма иш натижалари чоракларда олинган натижаларни тасдиқлади.

Тажриба синфларининг сифат кўрсаткичлари иккинчи чоракнинг кириш тестида 57 % ва чиқиш тестида 79% га ошганлиги яъни сифат кўрсаткичи 22% га ортганлиги маълум бўлди (1-расм).




**1-расм. Кириш ва чиқиш тест натижалари диаграммаси.**

## ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, эришилган натижалардан кўриниб турибдики, узлуксиз таълим тизимида "Педагогик таълим инновацион кластери" лойиҳаси янги истиқбол ва имкониятларга эришишга замин яратади. Бу эса ўз навбатида фанларни тўлиқ ўзлаштирилиши ва таълимда турли ташкилий шаклларини интеграция қилиш асосида таълим сифатини ошишини, узлуксиз билим олишга хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. "Халқ сўзи" газетаси 2019 йил 24 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил. 6-сон, 70-модда.
3. Хўжамқулов У.Н. Мактаб-лаборатория услубий қўлланма. Чирчиқ. 2019. 90 б.
4. Rakhimov A.K. Improving the methodology for developing students’ natural and scientific worldview (on the example of teaching the subject of “The doctrine of evolution”). International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 02, 2020. ISSN: 1475-7192. P. 1283-1296.
5. Rakhimov A.K. Forming and developing scientific outlook in students in the base of competent approach. // “Science and Society” III International conference. – Hamilton, Canada, 2018. – P. 71–74.
6. Rakhimov A.K. Theoritical Basis for Formation Students’ Natural-Science Outlook // Eastern European Scientific Journal. - Dusseldorf-Germany, 2017. – №4. – P.50-54.

**REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. “Ҳалқ сўзи” газетаси 2019 йил 24 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил. 6-сон, 70-модда.
3. Хўжамқулов, У. Н. (2019). *Мактаб лаборатория*. Чирчиқ.
4. Rakhimov, A. K. (2020). Improving the methodology for developing students’ natural and scientific worldview (on the example of teaching the subject of “The doctrine of evolution”). *International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24*(02), 1283-1296.
5. Rakhimov, A. K. (2018). Forming and developing scientific outlook in students in the base of competent approach. *“Science and Society” III International conference*, 71-74.
6. Rakhimov, A. K. (2017). Theoritical Basis for Formation Students’ Natural-Science Outlook. *Eastern European Scientific Journal*, (4), 50-54.